



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
“ИСТЕҦДОД” ЖАМГАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚўМИТАСИ ҲАМДА
“КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИННИНГ
ҚАРОРИ**

“ ____ ” март 2016 йил

№14-уф 5 /32 /2 /11

**Ёш олим ва талабаларнинг “XXI аср – интеллектуал авлод
асри” шиори остидаги ҳудудий ва республика илмий-амалий
конференцияларини ўтказиш түғрисида**

Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгаши мажлисининг 2015 йил 10 декабрдаги 65-сонли мажлис баёни қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури”нинг “Ёш олим ва талабаларнинг “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги ҳудудий ва республика илмий-амалий конференцияларни ўтказиш”га қаратилган 14-сонли бандида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда республика ҳаётининг ҳар бир соҳаси ва жабҳасини ривожлантиришга ёшларни кенг жалб этиш, уларнинг иқтидори, илмий салоҳияти ва шиҷоатидан унумли фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ИстеҦдод” жамгармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қарор қиласи:

1. Ёш олим ва талабаларнинг “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги ҳудудий ва республика илмий-амалий конференцияларни ўтказиш бўйича ишчи гурӯҳ таркиби 1-илова, чора-тадбирлар режаси 2-иловага ва йўриқнома 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги ҳудудий конференциялар қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилсин:

- ижтимоий-гуманитар фанлар;
- табиий фанлар;
- аниқ фанлар;
- техника фанлари.

3. Ёш олим ва талабаларнинг “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги худудий конференциялари Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2016 йил 24-25 май кунлари (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун), Андижон давлат тиббиёт институтида 2016 йил 26-27 май кунлари (Андижон вилояти учун), Фарғона политехника институтида 2016 йил 27-28 май кунлари (Фарғона вилояти учун), Наманган муҳандислик-педагогика институтида 2016 йил 30-31 май кунлари (Наманган вилояти учун), Жиззах политехника институтида 2016 йил 1-2 июнь кунлари (Жиззах ва Сирдарё вилоятлари учун), Самарқанд давлат чет тиллари институтида 2016 йил 2-3 июнь кунлари (Самарқанд вилояти учун), Бухоро давлат университетида 2016 йил 3-4 июнь кунлари (Бухоро ва Навоий вилоятлари учун), Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида 2016 йил 6-7 июнь кунлари (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари учун), Тошкент ахборот технологиялари университети Ургенч филиалида 2016 йил 8-9 июнь кунлари (Хоразм вилояти учун) ва Нукус давлат педагогика институтида 2016 йил 10-11 июнь кунлари (Қорақалпоғистон Республикаси учун) ўтказилсин.

3. “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги республика илмий-амалий конференцияси 2016 йил 24-25 ноябрь кунларида Самарқанд давлат университетида ўтказилсин. Республика илмий-амалий конференцияси ижтимоий-гуманитар фанлар, табиий фанлар, аниқ фанлар ҳамда техника фанлари йўналишлари бўйича ташкил этилсин.

4. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига (Б.Усмонов):

- белгиланган олий таълим муассасаларида конференцияларга ёш талаба, олим ва педагогларни жалб этишни юқори савияда ташкил этиш чоратадбирларини кўриш;
- конференция тўғрисида хабарнома тайёрлаб, манфаатдор вазирлик ва идоралар, илмий тадқиқот институлари ва таълим муассасаларига етказиш;
- олий таълим муассасаларидан конференциялар ишида иштирок этадиган ёш олим ва талабаларни аниқлаш, уларни транспорт воситалари ҳамда тураг жой билан таъминлаш;
- худудий конференцияларга келиб тушган илмий мақолаларни мазмунан таҳлил этиш, ҳаққоний ва холисона баҳолаш учун экспертизадан ўтказиш жараёнига олим ва мутахассислар таркибини шакллантиришда турли минтақадаги таълим муассасаларидан секциядаги барча йўналишларни қамраб олган ҳолда жалб этиш ва уларни ўз вақтида экспертизадан ўтказиш, шунингдек, якуний тўпламни чоп этишни ташкил қилиш;
- худудий илмий-амалий конференцияларда секциялар бўйича 1-, 2- ва 3- ўринни эгаллаган ғолибларни Самарқанд давлат университетида бўлиб ўтадиган республика илмий-амалий конференциясида иштирок этишларини таъминлаш;

- 2016 йил 24-25 ноябрь кунларида Самарқанд давлат университетида ўтказиладиган “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги республика илмий-амалий конференциясининг тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этиш;

- Самарқанд давлат университети (О.Халмухамедов), Самарқанд вилоят ҳокимлиги (З.Мирзаев), “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши (Б.Фаниев) ва “Истеъдод” жамғармаси (А.Пардаев) билан ҳамкорликда конференциянинг республика босқичида совринли ўринларни қўлга киритган ёш олим ва талабаларни тақдирлаш ва рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- жорий йилнинг 18 ноябрига қадар Самарқанд давлат университети (О.Халмухамедов) билан биргаликда эксперт комиссияси тавсия этган конференция материаллари тўпламини ҳамда дастурини чоп этиш;

- конференциянинг Республика босқичидаги ҳар бир иштирокчига 5 баллдан белгиланиб, Олий таълим муассасаларининг умумий рейтинг балини белгилаш мезонларига киритиш;

- конференциянинг республика босқичида совринли ўринларни қўлга киритган иштирокчиларнинг илмий раҳбарларини Олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бир ойлик маош хажмида рағбатлантириш;

- “Истеъдод” жамғармаси билан биргаликда худудий конференцияларни ўз вақтида юқори савияда ташкил этилиши ва ўтказилиши, шунингдек қабул қилинаётган илмий мақолалар сифатини жойларда назоратини олиб бориш вазифаларини бажариш;

- таълим ва илмий муассасаларда ёш олим ва талабалар ўртасида худудий конференцияларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва юқори савияда ўтказилишига бағишлиган махсус семинарлар ташкил этишни, шунингдек, семинарларни ташкил этиш учун таълим (илмий) муассасаларнинг илмий ишлар бўйича проректорлари (директор ўринbosарлари) масъуллигини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармасига (А.Пардаев):

- ёш олим ва талабаларнинг “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги республика илмий-амалий конференциясини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси ҳамда экспертлар гурухини шакллантириш, уларга самарали тарзда фаолият олиб бориши учун Жамғарма биносида зарур шарт-шароитлар яратиш;

- худудий конференцияларда совринли ўринларни эгаллаган муаллифларнинг республика конференциясига юборган илмий мақолаларини қабул қилиш ва экспертизадан ўтказиш;

- конференциянинг республика босқичига тавсия этилган мақолаларнинг долзарб мавзуларга қаратилганлигини, улардаги таклиф ва тавсиялар, хулоса ва натижаларнинг асосланганлигини, фойдаланилган

манбаларнинг ҳаққонийлигини кўриб чиқиш ҳамда мақолаларни таҳрир қилиш учун таълим муссасаларидан жалб этилаётган салоҳиятли профессор-ўқитувчиларнинг масъулликларини оширишни назарда тутадиган алоҳида Тартиб ишлаб чиқиш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида Жамғарма пул маблағлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда иш ҳақи тўлаш;

- жорий йилнинг 7 ноябрига қадар Самарқанд давлат университети билан ҳамкорликда экспертизадан ўтган илмий мақолаларни рўйхатга олишни ташкил этиш, электрон базасини яратиш, конференция дастурини ишлаб чиқиш ва тўпламини тайёрлаш, уларни чоп этиш учун нашриётга тақдим этиш;

- жорий йилнинг 18 ноябрига қадар конференциянинг республика босқичида иштирок этишга тавсия этилган илмий мақолалар муаллифлари ҳақидаги маълумотларни шакллантириш, таклиф этиладиган иштирокчилар ва меҳмонлар рўйхатини тузиш, уларга таклифномаларни юборишни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

6. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашига (Б.Ганиев):

- конференциялар иштирокчиларининг маданий дам олишларини ташкил этиш;

- конференцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида ўз тизимидағи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ва унинг ишида ёшларни кенг иштирокини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъод” жамғармасига (А.Пардаев), Фанлар академиясига (Ш.Салихов), Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига (О.Парпиев), “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашига (Б.Ганиев):

- чет элларнинг нуфузли таълим муассасаларида тахсил олган ёш мутахассислар, тизимларидағи илмий-тадқиқот институтлари фаолият юритаётган иқтидорли ёш тадқиқотчилар ва олимларнинг конференцияларда фаол иштирок этишларини таъминлаш;

- конференциялар ишига кўмаклашиш учун малакали мутахассисларни жалб этиш, ҳудудий ва республика илмий-амалий конференциялари ҳақидаги маълумотларни ўз Интернет сайтларига жойлаштириш ҳамда оммавий ахборот воситаларида тарғибот ишларини амалга ошириш, эълонлар бериш, хатлар жўнатишларни таъминлаш юклатилсин.

8. Самарқанд вилоят ҳокимлиги (З.Мирзаев) ва Самарқанд давлат университети (О.Халмухamedov)га:

- Самарқанд давлат университетида “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остида республика илмий-амалий конференциясини 2016 йил 24-25 ноябрь кунларида юқори савияда ўтказишини ташкил этиш;

- республика илмий-амалий конференцияси катнашчиларини Самарқанд темир йўл вокзалида кутиб олиш ва кузатиш, уларни турар жой ва иссиқ овқат билан таъминлаш;

- конференция ўтказиладиган таълим муассасаси ҳудуди, биноси, мажлислар заллари ҳамда секциялар ишлайдиган хоналар, шунингдек, конференция иштирокчилари жойлашадиган турар жойлар, овқатланиш шаҳобчаларини тайёрлаш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш;

- конференция иштирокчиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида маданий ва спорт тадбирларини ўтказишни ташкил этиш;

- “Истеъод” жамғармаси билан ҳамкорликда республика илмий-амалий конференция иштирокчиларига бериладиган намунавий сертификат, диплом ва қимматбаҳо совғаларни тайёрлаш, совринли ўринларни қўлга киритган ёш олим ва талабаларни рағбарлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

9. “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги ҳудудий ва республика илмий-амалий конференциялари ўтказиладиган олий таълим муассасалари раҳбарларига (М.Болтабаев, А.Садиков, О.Отақулов, П.Маткаримов, Э.Салиев, Ф.Рахимов, А.Тулаганов, Н.Махмудов, У.Хоитметов, Б.Пренов, О.Халмухамедов):

- конференцияларнинг ҳудудий ва республика босқичларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ҳақидаги ахборотларни маҳаллий оммавий ахборот восита(Интернет тармоқлари, телевидение, радио, газета)ларда тарғибот ишларини амалга ошириш юзасидан конференциялар бўлиб ўтадиган таълим муассасалари раҳбарлари шахсан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин;

- олий таълим муассасаларининг илмий ишлар бўйича проректорлари (ёки ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари) илмий мақолаларни мазмун ва сифат жиҳатдан мукаммал тайёрланганлигини асословчи эксперт хулосасини шахсий имзолари билан тасдиқланган ҳолда конференцияга йўллашлари инобатга олинсин;

- ҳудудий ва республика илмий-амалий конференциялар секциялари бўйича 1-, 2- ва 3-ўринни эгаллаган иштирокчиларни мукофотлар билан рағбатлантириш вазифаси юклатилсин;

- ҳудудий ва республика илмий-амалий конференцияларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатлар олий таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин;

- конференцияларга қабул қилинадиган мақолаларнинг илмий-амалий жиҳатдан асосланганлиги, таҳлилларга эгалиги, таклиф ва тавсияларнинг аниқ баён этилганлиги, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ғоявий-мағкуравий жиҳатдан пухта тайёрланганлигига, шунингдек, мақолалар тўплами сифатли таҳрир этилишига, чоп қилинишига ва ҳудудий конференция ғолибларини 2016 йил 24-25 ноябрь кунлари Самарқанд давлат университетида бўлиб ўтадиган республика конференциядаги иштирокини таъминлашга шахсан жавобгарликлари белгилаб қўйилсин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъод” жамғармаси ижрочи директори А.Пардаев, Фанлар академияси

бош илмий котиби Б.Ибрагимов, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ижро аппарати раҳбари О.Парпиев ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси ўринbosари С.Ашуровлар зиммасига юклатилсин.

Acos: Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгаши раиси Б.Ходиев томонидан 2015 йил 10 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгашининг 2015 йил 10 декабрдаги мажслисининг 65-сонли Баёни.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Тошкент ш., 2016 йил «10»

14-указ сон



А.Вахобов

“Истельод” жамғармаси ижрочи директори

Тошкент ш., 2016 йил «10»

5 сон



А.Пардаев

Фанлар академияси президенти

Тошкент ш., 2016 йил «10»

3/2 сон



Ш.Салихов

Фан ва технологияларни ривожлантиришни

мувофиқлаштириш қўмитаси раис ўринbosари,

Ижро аппарати раҳбари

Тошкент ш., 2016 йил «10»

март

2 сон



О.Парпиев

“Камолот” ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси

Тошкент ш., 2016 йил «10»

март

11 сон



Б.Ганиев

**Ёш олим ва талабаларнинг “XXI аср – интеллектуал авлод аспи” шиори
остидағи худудий ва республика илмий-амалий конференцияларини ташкил этиш
ва ўтказиш бўйича республика ишчи гурухи
ТАРКИБИ**

№	Фамилия, исми ва отасининг исми	Лавозими
1.	Вахобов Алишер Восикович	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири, ишчи гурух раҳбари
2.	Пардаев Абдунаби Холикович	“Истеъдод” жамғармаси ижрочи директори, ишчи гурух ҳамраҳбари
3.	Усмонов Ботир Шукуриллаевич	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири ўринбосари, ишчи гурух ҳамраҳбари
Ишчи гурух аъзолари:		
4.	Кулматов Шуҳрат Дўсмуродович	Самарқанд вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан ишлаш бўйича ўринбосари
5.	Кенжаев Дилшод Муталибович	Халқ таълими вазирининг ўринбосари
6.	Парпиев Одилхўжа Раймхўжаевич	Фан ва технологияларни ривожлантириши мувофиқлаштириш қўмитаси раис ўринбосари, Ижро аппарати раҳбари
7.	Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович	Фанлар академияси Бош илмий котиби
8.	Абдуқодиров Абдуқаҳхор Абдувакильевич	“Истеъдод” жамғармаси Масофали ўқитиши маркази директори
9.	Ашупров Сарвар Фаниевич	“Камолот” ёшлиар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгashi раиси ўринбосари
10.	Халмухamedov Олимжон Рахимович	Самарқанд давлат университети ректори
11.	Болтабаев Махмуджон Рустамович	Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори
12.	Садиков Абдушукур Абдужамилевич	Андижон давлат тиббиёт институти ректори
14.	Отакулов Ойбек Ҳамдамович	Фаргона политехника институти ректори
15.	Маткаримов Пахридин Жўраевич	Наманган мұхандислик-педагогика институти ректори
16.	Салиев Эргаш Алибекович	Жиззах политехника институти ректори
17.	Рахимов Ганишер Худойқулович	Самарқанд давлат чет тиллари институти ректори
18.	Тулаганов Абдуқобил Абдунабиевич	Бухоро давлат университети ректори
19.	Махмудов Назирила Насимханович	Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти ректори
20.	Хоитметов Умид Азадович	Тошкент ахборот технологиялари университети Ургенч филиали директори
21.	Пренов Барликбай Баракбаевич	Нукус давлат педагогика институти ректори
22.	Хамидов Исмоил Ахмеджанович	“Истеъдод” жамғармаси Масофали ўқитиши маркази директори ўринбосари

Ёш олим ва талабаларнинг “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги худудий ва республика илмий-амалий конференцияларни ташкил этиши ва ўтказиш билан боғлик чора-тадбирлар РЕЖАСИ

№	Бажарилашган ишлар	Ижро мурдати	Ижро учун масъуллар
1.	Ёшлар ўртасида худудий ва республика конференцияларнинг таргиготини олиб бориш, ОАВларидаги конференциялар тўғрисида эълонлар бериш	2016 йил априль-май	ОЎМТВ, ЎзФА, ФТРМК, “Истельдод” жамғармаси, “Камолот” ЁИХ ҳамда Самарқанд вилоят хокимлиги, ТДИУ, Анддти, ФарПИ, НамМПИ, ЖизЗИ, Самдчи, БухДУ, ҚарМИИ, ТАГУ Ургенч ф., Нукусдии, СамдУ
2.	Олий таълим муассасалари хамда илмий-таддикот институтларига Конференциялар тўғрисида ахборот хатлари юбориш	2016 йил априль	ЎзФА, ОЎМТВ, “Истельдод” жамғармаси, ТДИУ, Анддти, ФарПИ, НамМПИ, ЖизЗИ, Самдчи, БухДУ, ҚарМИИ, ТАГУ Ургенч ф., Нукусдии, СамдУ
3.	Худудий конференциялар ўтказилидаган олий таълим муассасаларида Конференцияларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ишчи гурухлар тузиш	2016 йил априль	ОЎМТВ, “Истельдод” жамғармаси, “Камолот” ЁИХ, ТДИУ, Анддти, ФарПИ, НамМПИ, ЖизЗИ, Самдчи, БухДУ, ҚарМИИ, ТАГУ Ургенч ф., Нукусдии
4.	Худудий конференцияларга юборилган илмий маколаларни қабул килиш ва уларнинг таҳририни ташкил этиши	2016 йил 12 априлдан	ОЎМТВ, ТДИУ, Анддти, ФарПИ, НамМПИ, ЖизЗИ, Самдчи, БухДУ, ҚарМИИ, ТАГУ Ургенч ф., Нукусдии
5.	Худудий конференцияларнинг Даастури ва сценарийси лойихаларини тайёрлаш ва конференция Ишчи гурухи (“Истельдод” жамғармаси)га тақдим этиши	2016 йил 16 май	ОЎМТВ, ТДИУ, Анддти, ФарПИ, НамМПИ, ЖизЗИ, Самдчи, БухДУ, ҚарМИИ, ТАГУ Ургенч ф., Нукусдии
6.	Худудий конференция ўтадиган таълим муассасаси худуди, бино, мажлислар зали хамда шўъбалар иштайдиган хоналар, шунингдек, конференция иштирокчилари жойлашадиган турар жойлар, овқатланиш шаҳобчаларини маҳсус тайёрлаш, обondonлаштириш ишларини олиб бориш, конференцияларга оид шиорлар, баннер ва маҳсус с мосламаларни тайёрлаш ва конференция ўтадиган таълим муассасаси худудига осиш, иштирокчилар учун папка, бейжик, дастур ва тарқатма материалларни тайёрлаш	2016 йил 16 май	ОЎМТВ, ТДИУ, Анддти, ФарПИ, НамМПИ, ЖизЗИ, Самдчи, БухДУ, ҚарМИИ, ТАГУ Ургенч ф., Нукусдии ва “Камолот” ЁИХ
7.	Худудий конференцияларда иштирок этадиган ёшлар ва таклиф этиладиган меҳмонлар рўйхатини тузиш ва конференция Ишчи гурухи (“Истельдод” жамғармаси)га тақдим этиши	2016 йил 16 май	ОЎМТВ, ТДИУ, Анддти, ФарПИ, НамМПИ, ЖизЗИ, Самдчи, БухДУ, ҚарМИИ, ТАГУ Ургенч ф., Нукусдии

8.	Худудий конференция иштирокчиларини белгиланган худудда кутиб олиниши ва гуравр жой.арга жойлаштирилшини ташкил этиш	Конференциялар үтадиган муддатларда	ОУМТВ, “Камолот” ЕИХ, ТДИУ, АНДТИ, ФарПИ, НамМПИ, ЖизПИ, СамдЧТИ, БухДУ, КарМИИ, ТАТУ Ургенч ф., НукусДПИ
9.	Конференциялар иштирокчиларининг худудда харакатланиши учун автотранспортлар ажратиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш максадида йўл харакати назорати ходими ва автотранспорт хизматини маҳсус дастур асосида ташкил этиш	Конференциялар үтадиган муддатларда	ОУМТВ, ТДИУ, АНДТИ, ФарПИ, НамМПИ, ЖизПИ, СамдЧТИ, БухДУ, КарМИИ, ТАТУ Ургенч ф., НукусДПИ, СамДУ
10.	Конференциялар иштирокчиларининг худудлардаги эътиборга сазовор жойлар, тарихий-маданий ёдгорликлар ва музеяларга сайёхатини уюштириш	Конференциялар үтадиган муддатларда	“Камолот” ЁИХ, ОЎМТВ, ТДИУ, АНДТИ, ФарПИ, НамМПИ, ЖизПИ, СамдЧТИ, БухДУ, КарМИИ, ТАТУ Ургенч ф., НукусДПИ, СамДУ, Самарқанд вилоят хокимлиги
11.	Конференциялар ишини ва улар билан боғлик тадбирларни ОАВда ёритиш	Конференциялар үтадиган муддатларда	“Истебъод” жамғармаси, ЎзФА, ОЎМТВ, “Камолот” ЁИХ, ТДИУ, АНДТИ, ФарПИ, НамМПИ, ЖизПИ, СамдЧТИ, БухДУ, КарМИИ, ТАТУ Ургенч ф., НукусДПИ, СамДУ
12.	Конференцияларда фаол иштирок этган ёшларни такдирлаш	Конференциялар үтадиган муддатларда	“Камолот” ЁИХ, ТДИУ, АНДТИ, ФарПИ, НамМПИ, ЖизПИ, СамдЧТИ, БухДУ, КарМИИ, ТАТУ Ургенч ф., НукусДПИ, СамДУ
13.	Конференцияларнинг илмий маколалар тўпламларини тайёрлаш ва чоп этиш	Конференциялар үтадиган муддатларда	ОЎМТВ, ТДИУ, АНДТИ, ФарПИ, НамМПИ, ЖизПИ, СамдЧТИ, БухДУ, КарМИИ, ТАТУ Ургенч ф., НукусДПИ, СамДУ
14.	Ёш олимлар ва талабалар иштирокида “XXI аср – интеллектуал авлод асли” шиори остида республика илмий-амалий конференциясини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитаси ва эксперталар грухини тузиш	2016 йил август	“Истебъод” жамғармаси, ОЎМТВ, ЎзФА, ФТРМК, “Камолот” ЁИХ хамда Самарқанд вилоят хокимлиги
15.	Отий таълим муассасалари хамда илмий-тадқиқот институтларида республика конференцияси тўғрисида ахборот хатларини юбориш	2016 йил сентябрь	ЎзФА, ОЎМТВ, “Истебъод” жамғармаси, ТДИУ, АНДТИ, ФарПИ, НамМПИ, ЖизПИ, СамдЧТИ, БухДУ, КарМИИ, ТАТУ Ургенч ф., НукусДПИ, СамДУ
16.	Республика конференциясига юборишган худудий конференция совриндорларининг илмий маколаларини кабул килиш ва кайта экспертизадан ўтказиш	2016 йил сентябрь-октябрь	“Истебъод” жамғармаси, ОЎМТВ
17.	Республика конференциясининг Дастурини тайёрлаш ва чоп этиши учун нашриёта тақдим этиш	2016 йил 7 ноябрь	“Истебъод” жамғармаси, ОЎМТВ, СамДУ

18.	Республика конференцияси ўтадиган таълим мұассасаси худуди, бино, мажислар зали ҳамда секциялар иштирокчилари жойлашадиган турар жойлар, оқагланиш шахобчаларни маҳсус тайёрлаш, ободонштириш ишларини олиб бориш, конференцияларга оид шиорлар, бандер ва маҳсус мосламаларни тайёрлаш ҳамда тегишли жойларни улар билан безаш, конференция ўтадиган таълим мұассасаси хуудуга осиш, иштирокчилар учун папка, бейжик, дастур ва таржатма материалдарни тайёрлаш	2016 йил ноябрь	“Истебдод” жамғармаси, ОҮМТВ, ЎзФА, ФТРМК, “Камолот” ЁИХ ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлиги
19.	Республика конференциясида иштирок этадиган ёштар ва тақлиф этиладиган мәхмөнлар рүйхатини түзүп ва уларға таклифномаларни юбориши	2016 йил 18 ноябргача	“Истебдод” жамғармаси, ОҮМТВ, СамДУ
20.	Республика конференцияси иштирокчиларини белгиланған худудда күтиб олининиша таңылған жойлаштирилишини ташкил этиши	Конференция ўтадиган мұддатда	Самарқанд вилоят ҳокимлиги, ОҮМТВ, “Камолот” ЁИХ, СамДУ
21.	Республика конференцияси якунлари бүйіча илмий маколалар түпнамаларини тайёрлаш ва чөп этиш	2016 йил 18 ноябргача	ОҮМТВ, “Истебдод” жамғармаси, СамДУ
22.	Конференциялар якунни бүйіча “Камолот” ёштар ижтимоий қарқатининг конференция штабига ахборот тақдым этиши	Конференциялар ўтгандан кейин 5 күн мұддатда	ОҮМТВ, “Истебдод” жамғармаси

**Ёш олим ва талабаларнинг
“XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги
худудий ва республика илмий-амалий конференцияларини ўтказиш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

1. Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгаши мажлисининг 2015 йил 10 декабрдаги 65-сонли мажлис баёни қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури”нинг “Ёш олим ва талабаларнинг “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги худудий ва республика илмий-амалий конференцияларни ўтказиш”га қаратилган 14-сонли бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида худудий ва республика конференциялари ижтимоий-гуманитар фанлар, табиий фанлар, аник фанлар ҳамда техника фанлар йўналишлари бўйича ташкил этилади.

2. “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги худудий ва республика илмий-амалий конференциялар республикадаги барча таълим муассасалари, Фанлар академияси тизимидағи илмий-тадқиқот институтлари ҳамда олий таълим муассасалари ёш олим ва талабалари иштирокида ўтказилади.

3. Ёш олим ва талабаларнинг “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги худудий конференциялари Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2016 йил 24-25 май кунлари (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун), Андижон давлат тиббиёт институтида 2016 йил 26-27 май кунлари (Андижон вилояти учун), Фаргона политехника институтида 2016 йил 27-28 май кунлари (Фаргона вилояти учун), Наманган мухандислик-педагогика институтида 2016 йил 30-31 май кунлари (Наманган вилояти учун), Жizzах политехника институтида 2016 йил 1-2 июнь кунлари (Жizzах ва Сирдарё вилоятлари учун), Самарқанд давлат чет тиллари институтида 2016 йил 2-3 июнь кунлари (Самарқанд вилояти учун), Бухоро давлат университетида 2016 йил 3-4 июнь кунлари (Бухоро ва Навоий вилоятлари учун), Қарши мухандислик-иқтисодиёт институтида 2016 йил 6-7 июнь кунлари (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари учун), Тошкент ахборот технологиялари университети Ургенч филиалида 2016 йил 8-9 июнь кунлари (Хоразм вилояти учун) ва Нукус давлат педагогика институтида 2016 йил 10-11 июнь кунлари (Корақалпогистон Республикаси учун) ўтказилади.

4. Ёш олим ва талабаларнинг “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги республика конференцияси 2016 йил 24-25 ноябрь кунлари Самарқанд давлат университетида ўтказилади.

6. Конференциянинг мақсад ва вазифалари:

- Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгаши мажлисининг 2015 йил 10 декабрдаги 65-сонли мажлис баёни қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури”нинг “Ёш олим ва талабаларнинг “XXI аср – интеллектуал авлод асри” шиори остидаги худудий ва республика илмий-амалий конференцияларни ўтказиш”га қаратилган 14-сонли бандида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш;

- фан ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш борасида амалга оширилаётган тадқиқотларни самарадорлигини ошириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги устувор йўналишларни ривожлантириш ҳамда тараққиётини таъминлашга тадқиқотчиларни кенг жалб этиш, уларнинг иқтидори, илмий салоҳияти ва шиҷоатидан унумли фойдаланиш;

- иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш, замонавий техника ва технология, ахборот-коммуникацион маданиятини пухта ўзлаштирган етук мутахассисларни шакллантириш жараёнига кўмаклашиш;

- тадқиқотчилар ўртасида ўзаро илмий-ижодий ҳамкорликни таъминлаш, қулай ижтимоий-психологик мұхит яратиш, ўзаро илмий алоқаларни ривожлантириш, тажкиба алмашишлари учун имконият яратиш, фан-техника тараққиети гояларини амалда күллаш мақсадига йўналтириш;

- конференцияда совринли ўринларни эгаллаган иқтидорли ёшларнинг илмий фаолиятини кўллаб-куватлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

7. Конференциялар ўтказиладиган олий таълим муассасалари ректорлари раҳбарлигига конференция ташкилий қўмиталари ва эксперт гурухлари шакллантирилади, ёш олим ва талабалар томонидан юборилган илмий мақолалар қабул қилинади, экспертизадан ўтказиш асносида тўплам тайёрланади ва эътироф этилган мақола мавзулари конференция дастурига киритилади.

8. Илмий мақолалар олий таълим муассасаларининг илмий ишлар бўйича проректорлари (ёки ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари)нинг шахсий имзолари билан тасдиқланган ҳолда қабул қилинади.

9. Илмий мақолаларни мазмунан таҳлил этиш, ҳаққоний ва холисона баҳолаш учун экспертизадан ўтказиш жараёнига олим ва мутахассислар таркибини шакллантиришда турли минтақадаги таълим муассасаларидан секциядаги барча йўналишларни қамраб олган ҳолда жалб этилади.

10. Ҳудудий конференцияларда қатнашиш учун конференция ташкилий қўмиталарига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- муаллиф ҳақидаги маълумотнома (объективка);
- муаллифнинг паспорт нусхаси;
- илмий мақола (электрон ва қофоз варианти);
- тақдим этилаётган мақолага берилган соҳа бўйича етук мутахассиснинг тақризи;
- талабнома (муаллифнинг фамилия, исми ва шарифи, мақола номи, конференция йўналиши (секция), ташкилот номи, лавозими, хизмат манзили, телефон, факс ҳамда электрон почта манзиллари).

11. Илмий мақола ва тезислар матнлари таҳхир қилинган ҳолда А-4 формат катталиқдаги қофозга, юқоридан ва пастдан 2,5 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1 см жой қолдириб расмийлаштирилади. Мақоланинг номи бош ҳарфлар билан ёзилади ва 1,5 интервалдан сўнг бош ҳарфларда муаллифнинг исми, шарифи ва фамилияси ёзилади, 1 интервалдан кейин ташкилот ва шаҳар номи кўрсатилади. Сўнгра 1,5 интервал қолдирилиб матннинг мазмуни 1,5 интервалли сатрларда ёзилади.

Илмий мақола ва тезислар матни саҳифаланмаган бўлиб, унинг электрон нусхаси Word дастурида, Times New Roman шрифтининг 14 кегел катталигига бўлиши ва 5 бетдан ошмаслиги лозим. Илмий мақоланинг қофоздаги матни ва унинг электрон нусхаси диск (ёки флешка)га ёзилган ҳолда конференция Штабига етказилади ёки электрон почта орқали жўнатилади.

12. Конференция материаллари тўпламига илмий мақолалар учун талаблар:

- илмий мақолалар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида, тегишли таклиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим;
- тақдим этилаётган илмий мақолалар соҳа бўйича етук мутахассисларнинг камидагитта тақризи билан қабул қилинади;
- конференция материаллари ўзбек, инглиз ва рус тилларида тақдим этилиши мумкин.

13. Мақолалар конференциялар ўтказиладиган олий таълим муассасаларида тузилган ишчи гурухлар ва маҳсус экспертлар томонидан ўрганилиб, эътироф этилган мақола муаллифлари конференцияларга таклиф этилади ҳамда уларнинг маъruzалари конференция дастурига киритилади.

14. Маҳсус экспертлар томонидан конференция талабларига жавоб бермаган мақолалар тўпламга киритилмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.

15. Конференцияларнинг дастурлари ва илмий мақолалар тўплами Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси базасида фаолият юритадиган конференция штаби билан келишилган ҳолда чоп этилади.

16. Худудий конференцияларнинг ҳар бир секциядан учтадан (1-, 2- ва 3-ўринлар) галиб иштирокчи ёш олимлар ва талабаларнинг республика конференциясида иштирок этиш учун тавсия этилади (Тошкент шаҳрида таълим муассасалар кўплиги сабабли истесно сифатида эксперт комиссияси аъзоларининг хulosасига биноан ҳудудий конференция совриндорлари сони ҳар бир секция бўйича 2 маротабагача кўпайтирилиши мумкин).

Республика конференциясида энг яхши маъруза қилган 12 нафар иштирокчилар маҳсус диплом ва эсадалик совғалари билан тақдирланадилар.

17. Ўтказилган ҳар бир конференция якунлари бўйича хulosалар қабул қилинади ҳамда конференция ўтказилиши мўлжалланган олий таълим муассасаси томонидан илмий мақолалар тўплами чоп этилади.

18. Республика ва ҳудудларда бўлиб ўтадиган барча конференцияларни ташкил этилиши ва ўтказилиши ҳақидаги материаллар таълим муассасаси раҳбарлари масъуллигида оммавий ахборот воситаларида кенг жамоатчиликка етказилиб борилади.

19. Худудий конференциялар ўтказилгандан сўнг 5 кун мобайннида ҳисобот (ҳар бир секция бўйича 1-, 2- ва 3-ўринларни эгаллаган муаллифларнинг эришган ютуқларини инобатга олган характеристика ва объективкалари, маърузалари, 0,5 бетда маърузанинг мақсади, янгилиги ва кутилаётган натижалар, эгаллаган ўринлари кўрсатилган), 3 нусхада илмий мақолалар тўплами, конференция дастури, конференцияни ўтказиш юзасидан фотоловҳалар, видеоматериаллар ва бошқа зарурый материаллар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси базасида фаолият юритадиган конференция штабига топширилади.

20. Конференцияларнинг натижалари ҳақидаги ахборот ва ҳисботлар конференция якунидан сўнг “Истеъдод” жамғармаси ҳамкорлигига “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг конференция штабига тақдим этилади.